



PROCEDURE FOR OFFICIAL RESULTS OF THE AUDIT EXAMINATION OF THE STATEMENT OF COMPREHENSIVE INCOME

Mirjalal A. Akhmedov

department head

SATURN METAL QAYTA ISHLASH LLC

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: mirjalolabdusamadovich@gmail.uz

ABOUT ARTICLE

Key words: Audit, international standard, audit plan, audit program, audit planning, consolidated income, profit and loss.

Received: 26.09.22

Accepted: 28.09.22

Published: 30.09.22

Abstract: Today, auditing organizations prepare their reports based on international standards of auditing, and this increases the attractiveness of the report for foreign investors. We gave our opinions on the development and planning of the program of the consolidated income statement in accordance with international standards. We have developed an audit program in a six-step sequence in accordance with international standards.

УМУМЛАШГАН ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИНГ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

Миржалол А. Ахмедов

бўлим бошлиғи

“SATURN METAL QAYTA ISHLASH” МЧЖ

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: mirjalolabdusamadovich@gmail.uz

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Аудит, халқаро стандарт, аудит режаси, аудит дастури, аудитни режалаштириш, умумлашган даромад, фойда ва зарар.

Аннотация: Ҳозирги кунга келиб аудиторлик ташкилотлари ўз ҳисоботларини аудитнинг халқаро стандартлари асосида тайёрлаб келмоқда ва бу хорижий инвесторлар учун ҳисоботнинг жозибадорлигини оширмоқда. Халқаро стандартларга мувофиқ умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботнинг дастурини ишлаб чиқиш ва уни режалаштириш бўйича ўз фикрларимизни бердик. Халқаро стандартларга мувофиқ

**ПОРЯДОК ПОДТВЕРЖДЕНИЯ ОФИЦИАЛЬНЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ
АУДИТОРСКОЙ ПРОВЕРКИ ОТЧЕТА О СОВОКУПНОМ ДОХОДЕ****Мирджалал А. Ахмедов**

начальник отдела

ООО « SATURN METAL QAYTA ISHLASH»

Ташкент, Узбекистан

E-mail: mirjalolabdusamadovich@gmail.uz**О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: Аудит, международный стандарт, план аудита, программа аудита, планирование аудита, консолидированный доход, прибыль и убыток.

Аннотация: Сегодня аудиторские организации готовят свои отчеты на основе международных стандартов аудита, и это повышает привлекательность отчета для иностранных инвесторов. Мы высказали свое мнение о разработке и планировании программы консолидированного отчета о прибылях и убытках в соответствии с международными стандартами. Мы разработали программу аудита из шести шагов в соответствии с международными стандартами.

КИРИШ

Жаҳонда халқаро интеграциялашувнинг кенгайиши дунё мамлакатларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини тан олиш ва жорий қилишга бўлган ҳаракатларининг жадал суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда. Ўтган йилларда мамлакатимизда аудитнинг норматив-ҳуқуқий ва услубий базаси шакллантирилди, шунингдек, аудиторлик фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган ва муддатсиз тизими жорий этилди, бу аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланишига ва маҳаллий аудиторлик ташкилотлари аудиторлик компанияларининг йирик халқаро тармоқларига киришини таъминлашга имкон яратилди.

Илмий мақолада гуруҳлаш, таққослаш, индукция ва дедукция, статистика, иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланилган.

Халқаро аудит ташкилотлари тажрибаси асосида умумлашган даромадлар аудитини ўтказишнинг олти босқичли занжир кетма-кетлиги модели асосида амалга ошириш ва халқаро стандартларга мувофиқ аудитни ташкил этиш ҳамда уни режалаштириш бўйича дастур ишлаб чиқилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бозор муносабатлари шароитида аудиторлик текширувларининг натижаси ҳисобланган аудиторлар томонидан ўзига берилган топшириқ бўйича тузилган аудитор

ҳисоботларининг шакли, таркибий тузилиши ва уларни умумлаштиришнинг халқаро мезонлар асосида ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан, аудитор ҳисоботлари асосида умумий аудит қилинган субъект бўйича аудиторлик ҳисоботини тузишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва шу асосда унинг мазмуни, умумлаштириш босқичларини такомиллаштириш масаласига эътибор қаратиш лозим. Аудиторлик ҳисоботлари таркибини кўришда асосий эътибор уларнинг мазмуни ва таркибий тузилишига қаратилади. Энг аввало, аудиторлик ҳисоботи ва унинг таркибий тузилишини аудитнинг халқаро стандартида белгиланган тартибини таҳлил қилиш керак. Аудитнинг халқаро стандарти (АХС)нинг №700-«Молиявий ҳисоботлар тўғрисида фикр ҳосил қилиш ва ҳисобот (хулоса) бериш» стандартига кўра «Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудит натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботи қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

- номи;
- манзили;
- кириш;
- аудиторнинг жавобгарлиги;
- аудиторлик фикри;
- аудиторнинг имзоси;
- аудиторлик ҳисоботи санаси;
- аудиторнинг манзили»

Ушбу стандартга кўра кириш қисмида аудит қайси хўжалик юритувчи субъектининг молиявий ҳисоботлари бўйича ўтказилганлиги қайд этилади; молиявий ҳисоботлар таркиби, даври бўйича аудит ўтказилганлигини, ҳисоб сиёсати ва изоҳлар; молиявий ҳисобот санаси ёки даври аниқ кўрсатилади.

Аудит қилинаётган хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун жавобгарлиги белгиланади. Аудитор жавобгарлиги аудитор молиявий ҳисоботлар бўйича ўзи ўтказган аудит асосида ўз фикрини билдиришидан иборат. Аудитор фикри молиявий ҳисоботлар бўйича барча муҳим жиҳатларни ҳаққоний тақдим этишдир.

Хулосада аудиторнинг молиявий ҳисоботлари ҳақидаги хулосалари акс эттирилган ва ҳисоботнинг стандартлари кўрсатилади. Унда молиявий ҳисобот ҳақида қуйидаги якуний фикрлар бўлиши лозим:

- 1) умум қабул қилинган ҳисоб томоийилларини ҳисобга олиб тақдим этилганми;
- 2) олдинги даврга нисбатан жорий даврда мазкур томоийилларга риоя қилинмаслик ҳолатлари қайд этиладими;

3) молиявий ҳисоботларда ахборот очиқлиги муқобиллиги белгиланганми;

4) молиявий ҳисобот ҳақида умуман ёки бундай хулоса чиқариш мумкин эмаслиги сабаблари.

Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот аудитининг режалаштирилиши ушбу жараённинг муҳим таркибий қисми бўлиб ўз ичига аудиторлик текширувини умумий ҳажмини аниқлаш, аудит дастурини тузиш, аудитда қўлланиладиган усуллари белгилаш, текшириш муддатларини кўрсатиладиган хизматларни ва аудит хатарини аниқлаш каби масалаларни ўз ичига олади. Махсус адабиётларда аудитни режалаштиришга аудитнинг стратегияси ва тактикасини аниқлаш деб ҳам эътироф этилган. Аудит стратегияси қўйилган мақсад ва вазифаларни маълум кетма-кетликда ва аниқ истиқболга асосланиб бажарилишини таъминласа, аудит тактикаси эса қўйилган мақсадларга эришишнинг шакл ва усуллари ифодалади.

Аудиторлик ташкилотлари томонидан умумлашган даромадлар аудитини халқаро амалиётдаги 6 босқичли юқоридаги жадвал кетма-кетлиги модели асосида амалга ошириш мумкин. (1-расм)



(1-расм). Аудитини халқаро амалиётдаги 6 босқичли кетма-кетлиги

Аудитнинг халқаро стандартларига асосан умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот аудитини режалаштириш қуйидаги уч босқичда амалга оширилади:

- аудитнинг дастлабки режасини тузиш;
- аудитнинг умумий режасини тузиш;
- аудит дастурини тузиш.

Корхоналарда аудиторлик шартномасининг мақсади ва қўйилган вазифаларига қараб аудитнинг умумий режаси тузилади. Умумлашган даромадлар аудитининг умумий режасида текширишга мўлжалланаётган хўжалик юритувчи субъектнинг номи, аудит даври, аудитга ажратилган муддат, аудиторлик гуруҳининг таркиби, режалаштирилаётган ишларнинг тури, унинг бажарувчилари кўрсатилади.

Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот аудитининг умумий режасида аудиторлик исботи ва аудиторлик хатарининг даражаси ҳам келтирилади. Ушбу режа аудиторлик гуруҳи раҳбари томонидан имзоланади ва аудиторлик ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланади. Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот аудитининг умумий режасига асосан аудит дастури тузилади. Ушбу дастурда режадаги вазифаларга янада аниқликлар киритилиб бажарувчилар ўртасида тақсимланади.

Дастурда аудит объектлари, уларни текширишда қўлланиладиган ва аудиторлик исботини таъминлайдиган “усуллар”, аудиторларнинг ишчи ҳужжатлари келтирилган бўлади. Ўзининг мазмун моҳиятига кўра, аудиторлик дастури аудит ўтказиш учун услубий манба ва назорат воситаси бўлиб хизмат қилади.

Аудитор умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот аудитини ўтказиш жараёнида айрим муомалаларни чуқурроқ текшириш зарурияти келиб чиқса, бундан ҳолларда аудит дастурига тегишли ўзгаришлар киритилади ва қабул қилинган тартибларга асосан ҳужжатлаштирилади. Аудит режаси ва дастури асосида ўтказилган текширувлар маълум тартибда умумлаштирилиб борилади ва ҳужжатлаштирилади. Ушбу ҳужжатлар ўз навбатида аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаларини тузишга асос бўлиб хизмат қилади.

Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот аудитини режалаштириш чоғида аудитор қуйидагиларни ҳисобга олиши зарур:

- келгуси даврдаги вақт сарфи ҳисоб-китоби (такрорий аудит ўтказиш ҳолларида) ва ҳақиқий меҳнат харажатлари;
- муҳимлик даражаси;
- аудиторлик гуруҳини тузиш, аудит ўтказишга жалб қилинадиган аудиторлар сони ва малакаси;
- аудиторларни, уларнинг малакавий даражалари ва лаво-зимларига мувофиқ аудит ўтказиладиган муайян участкаларга тақсимлаш;
- аудиторлик гуруҳининг барча аъзоларига йўл - йўриқ кўрсатиш, уларни мижознинг молия-хўжалик фаолияти билан таништириш ;
- аудиторлик гуруҳи раҳбарининг режа бажарилиши ва ёрдамчи аудиторлар ишлари сифати устидан назорат ўрнатиши;

- аудиторлик амалларини бажариш билан боғлиқ услубий масалаларни тушунтириш.

Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот аудитини режалаштиришда аудитор ўз ишини шундай режалаштириши лозимки, бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботларини, молия-хўжалик муомалаларининг ишончлилигини ва қонунийлигини, ҳамда улар бухгалтерия ҳисоби счётларида акс еттирилишининг тўғрилигини ўз вақтида ва сифатли аудиторлик текширувидан ўтказилади.

Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот аудитини режалаштириш қуйидагиларни таъминлаши лозим:

а) бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботининг ҳолати ҳамда ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида зарур ахборотларни олиш;

б) бажарилиши лозим бўлган назорат амалларининг мазмунини, ўтказиш вақтини ва ҳажмини аниқлаш.

Аудитни режалаштириш кутилаётган ишлар режасини тузиш ва аудиторлик дастурини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Кутилаётган ишлар режасида қуйидаги кўрсаткичлар акс еттирилади:

- аудит ўтказиш муддати ва ишларнинг давомийлиги;
- бажариладиган ишлар ҳажми;
- аудитор қўллайдиган усуллар ва амаллар.


Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот аудитини режалаштиришда аудитор ўз режасини текшириладиган корхона раҳбарияти ва ходимлари билан муҳокама қилиши мумкин. Бу ўтказиладиган аудитнинг таъсирчанлигини ошириш ва аудиторлик амалларини корхона ходимлари фаолияти билан мувофиқлаштиришга имкон яратади. Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот аудитини режалаштиришда аудитор режани яхши ва сифатли тузиш ҳамда ишларнинг кутилаётган ҳажмини аниқ ҳисобга олиш учун энг аввало:

- аудиторлик текшируви ўтказиш шартномаси шартларини ўрганиши;
- ўтказиладиган аудитнинг энг муҳим масалаларини ажратиб олиши;
- махсус еътибор талаб қиладиган шартларни аниқлаши;
- текшириладиган корхона фаолиятининг предметини ҳисобга олган ҳолда янги қонунлар, низомлар, йўриқнома-лар ва бошқа алоқадор меъёрий ҳужжатларнинг аудитга таъсирини ўрганиши;
- текшириладиган корхонанинг ҳисоб тизими ва ички аудит тизимининг ишончлилиқ даражасини аниқлаши;
- ички аудиторларнинг ишларини ва уларни аудитга жалб қилиш мумкинлигини таҳлил қилиши;

➤ корхонанинг алоҳида балансга ажралиб чиқарилган филиаллари, ваколатхоналари, бўлимлари ва махсус бўлинмаларида аудит ўтказиш мақсадга мувофиқлигини ўрганиши;

➤ экспертларни жалб қилиш зарурлигини аниқланиши лозим.

Аудиторлик текширувларининг ташкил этилиши бир неча босқичларга бўлиниши мумкин. Босқичларга бўлишда ҳар бир босқичда амалга ошириладиган ишларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратиш лозим.



2-расм. Аудиторлик текширувларини ўтказиш босқичлари

Ҳозирда амалиётда аудиторлик текширувларини қуйидаги тўрт босқичга бўлиб амалга оширилмоқда (2-расм):

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқотлар натижада қуйидаги илмий хулосаларни қилишга ҳамда таклиф ва тавсияларни беришга имкон берди.

1. Халқаро компаниялар тажрибаси асосида умумлашган даромадлар аудитини ўтказишнинг олти босқичли занжир кетма-кетлиги модели асосида амалга ошириш асосланди ва ушбу таклиф аудиторлик ташкилотида аудиторлик текшируви сифатини оширишга хизмат қилади.

2. Халқаро стандартларга муфовиқ аудиторлик ҳисоботини бўлимларга бўлдиқ ва бир неча корхоналар ички аудитига жорий қилдик.

3. Аудитни режалаштириш босқичлари таҳлил қилиб чиқдик.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 25 февраль 2021 й. <https://lex.uz/docs/5307886>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аудиторларни сертификатлаштириш

тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори. 2021 йил 4 август, ПҚ-5210-сон. <https://lex.uz/docs/5552197>

3. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. <http://finansist.uz/uz/moliyaviy-hisobotning-xalqaro-standartlari-ozbekistonda-qollanilishi/> 2018 й.

4. Авлокулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Т.: 2019. 71-б.

5. Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003.- 612 б.

6. Уразов К.Б., Исроилов Ё.Ж., Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб масалалари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2011.-260 б

7. <https://www.google.com/search?>

8. <https://finotchet.ru/articles/102/>

9. <https://www.ifrs.org/>